

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ**

**АДИЛОВ БЕҲЗОД АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН УСТИЮРТИ ЎСИМЛИКЛАР ҚОПЛАМИНИНГ  
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСПЕКТЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Адилов Бехзод Абдуллаевич**

Қорақалпоғистон Устюрти ўсимликлар қопламининг  
трансформацияси: назарий ва амалий аспекти..... 3

**Адилов Бехзод Абдуллаевич**

Трансформация растительности Каракалпакского Устюрта:  
теоретические и прикладные аспекты..... 29

**Adilov Bekhzod Abdullaevich**

Transformation of vegetation of the Karakalpak Ustyurt: theoretical and  
applied aspects..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ**

**АДИЛОВ БЕҲЗОД АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН УСТЮРТИ ЎСИМЛИКЛАР ҚОПЛАМИНИНГ  
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСПЕКТЛАРИ**

**03.00.05 – Ботаника**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/B141 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ботаника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.botany.uz](http://www.botany.uz)) ҳамда «Ziyouet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Шомуродов Хабибулло Файзуллоевич</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хасанов Фуркат Орунбоевич</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Крестов Павел Витальевич</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Хамраева Диловар Толибджонова</b> биология фанлари доктори, катта илмий ходим
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Наманган давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ҳузуридаги DSc 02/30.12.2019.B.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «9» декабр куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: [botany@academy.uz](mailto:botany@academy.uz)).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (49 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2022 йил «21» ноябр куни тарқатилди.  
(2022 йил «21» ноябрдаги 4-рақамли реестр баённомаси).



**К.Ш. Тожибаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Г.М. Дусчанова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби в.в.б., б.ф.д., катта илмий ходим

**Ф.И. Каримов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, б.ф.д., катта илмий ходим

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда иклим ўзгариши ва антропоген омилларнинг табиий экотизимларга таъсир кўламининг жадаллашуви атроф-муҳит компонентларининг, айниқса, арид худудларидаги ўсимликлар қоплами ҳолатининг издан чиқишига олиб келмоқда. Шунга кўра, ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқишда уларнинг макон, тур ва популяциялари бутунлигини сақлаб қолиш муҳим саналади. Бу борада, ўсимликлар қоплами динамикасининг механизмларини аниқлаш, улар ҳолатининг ўзгаришларидаги прогноз моделларни белгилаш, қурғоқчил иклим шароитида фитоценозлар трансформацияси хусусиятларини очиб бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда ўсимликлар қоплами ҳолатини баҳолаш, экотизимлар ва ўсимликлар қоплами тузилишидаги ўзгариши мумкин бўлган кўрсаткичларни прогнозлашда динамик жараёнлар ва табиий муҳит структурасидаги ўзгаришларни ўзида акс эттирувчи фитоценозларнинг макон-замондаги ўзаро ташкил топиши билан боғлиқ аспектларга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, контраст табиий омиллар уйғунлигида шаклланган ва яшаш тарзи ўзгарувчан экологик муҳит ҳамда антропоген омиллар билан жуда боғлиқ бўлган ўсимлик жамоаларининг тузилиши ҳамда таркибининг ўзига хос хусусиятлари аниқлаш муҳим ҳисобланади. Устюрт платоси шимолийтурон ва жанубийтурон ботаник-географик провинциялари кесилишмасида жойлашган ҳамда фитоценозларини фаол ташкил этувчилари ва улар тарқалишининг эдафик вариантлари гаммаси устунлик қиладиган худуд саналади. Айрим худудларида Эроннинг тоғли провинцияси гуруҳи флорасига мансуб вакиллари жамоаларининг устунлик қилиши, Устюрт платоси фитоценозларининг тарихий мураккаб шаклланиш йўли мавжудлиги тўғрисида гувоҳлик бериб, уни ўрганиш Осиё чўллари ўсимлик қопламининг палеоклиматик реконструкциясини муҳокама қилиш имконини беради. Устюрт ўсимликлар қоплами трансформациясининг асосий харақатлантурувчи кучи нефт-газ қазиб олинишининг кучайиши ҳисобига худуднинг иқтисодий ривожланиши, бундан ташқари, Орол денгизининг ҳалокатли қуриши оқибатида пайдо бўлган иклимнинг қурғоқчилланиши билан боғлиқ. Бу борада табиий ва антропоген таъсирлар остидаги динамик жараёнлар қонуниятларини аниқлаш сезгир фитоценозларни сақлаб қолиш борасида муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқишга хизмат қиладди.

Ҳозирда республикамизда иклим ўзгариши фонида ўсимлик объектларини сақлаб қолиш ва улардан барқарор фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар доирасида кўпгина ютуқларга, жумладан, республикамиз ўсимликлар қопламини инвентаризациялаш, яйлов ресурсларининг ҳолатини баҳолаш, иклимнинг ўзгариши оқибатида арид худудлари ўсимликлар қопламининг трансформациясини ўрганиш ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш борасида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «... атроф-муҳитга зарар етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олиш...» вазибалари белгилаб берилган. Ушбу вазибалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Устюрт платоси ўсимликлар қопламидининг замонавий ҳолатини баҳолаш, фитоценозлар тузилишидаги ўзгаришларни аниқлаш борасида комплекс ва узок муддатли илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш ҳамда иқлим ўзгариши ва кучайиб бораётган антропоген таъсирларнинг салбий қўламини юмшатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон «Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Фитоценозлардаги динамик жараёнлар ва иқлим ўзгариши ҳамда антропоген омиллар билан боғлиқ ҳолда ўсимлик қопламидининг трансформация хусусиятларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Environmental Threat Assessment Center USDA (АҚШ), University of Connecticut (АҚШ), University of Utah (АҚШ), Chinese Academy of Meteorological Science (Хитой), National University of Mongolia (Монголия), University of Bergen (Норвегия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Чуқуров университети (Туркия), Islamic Azad University (Эрон), Ботаника ва фитоинтродукция институти (Қозғистон), Ботаника институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Иқлимнинг ўзгариши билан синтаксонларнинг ўзгарувчанлик тенденциялари ва таъсирчанлиги, алоҳида худудлар ўсимлик қопламидининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>2</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, [www.dissertat.com](http://www.dissertat.com), [researchgate.net](http://www.researchgate.net), <http://www.fundamental-research.ru>, [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

биогеографиясига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: қургўқчил ҳудудларининг турли метеорологик ва гидрологик режими билан боғлиқ ҳолда ўсимлик қоплами тузилишидаги ўзгаришлар аниқланган (Environmental Threat Assessment Center USDA, АҚШ), Ер шарининг турли геохронологик даврларида ўсимлик қоплами ривожланишининг имитация моделлари яратилган (University of Utah, АҚШ), иқлимнинг қургўқчиллиги шароитида ўсимлик қоплами тузилишининг ўзгариши баҳоланган (Islamic Azad University, Эрон), экотизимларнинг издан чиқиши билан қургўқчил ҳудудлар ўсимлик қоплами трансформациясининг йўллари аниқланган (Ботаника ва фитоинтродукция институти, Қозоғистон).

Дунёда бугунги кунда турли экотизимларнинг издан чиқиши фонида ўсимлик қоплами трансформациясининг узоқ муддатли трендларини аниқлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ноёб эко-географик регионлар ўсимлик қопламининг замонавий ҳолатини баҳолаш ва тузилишидаги ўзгаришларни прогнозлаш; фитоҳилма-хилликнинг климатоген оқибатлари ва фитоценозларнинг ички ҳамда ўзаро-ценотик макон тузилишларини аниқлаш; табиий шароитларнинг оралик фонида ўсимлик жамоаларининг генезиси ва шаклланиш тарихини аниқлаш; ўсимлик қопламини сақлаб қолиш учун уни бошқариш моделини яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** J.P. Grime (1977); J.H. Connell, R.O. Slatyer (1977); L. Stone, A. Roberts (1990); X. Chen, W. Pan (2002); K. Cottenie et al. (2005); R.J. Hijmans et al. (2005); M. Zunzunegui et al. (2005); B.A. Bradley et al. (2007); S. Soliveres et al. (2011); J. Hortal et al. (2012); S. Chozas et al. (2015); T. Suerp et al. (2016); И.Н. Сафронова/I. Safronova (1971, 1996, 2011, 2017, 2018); Л.А. Димеева/L. Dimeyeva (1998, 2007, 2010, 2015, 2017, 2018); Ж.В. Кузьмина, С.Е. Трешкин (2011, 2016, 2017, 2018, 2020); Т. Рахимов (2000, 2005, 2013, 2014); Х.Ф. Шомуродов ва бошқ. (2015) ва бошқа тадқиқотларда турларнинг муҳитнинг эдафик, иқлим ва антропоген омилларга боғлиқ хилма-хиллиги ҳамда тарқалишини ўрганишнинг интегрatív ёндашувлари келтирилган, шунингдек, муҳитнинг трансформация шароитида, айниқса, арид ҳудудларида ўсимлик жамоаларининг экологик динамикасини ўзида акс эттирадиган концептуал моделлар ишлаб чиқилган.

Геохронологик даврларнинг палеоклиматик реконструкциялари ва аномалиялари контекстида чўл-қургўқчил флорасининг ҳамда эко-географик регионлар зонал ўсимликлар қопламининг шаклланиши, иқлим омилларининг турлар иқлим ареаллари шаклланишига таъсири ҳам анъанавий ҳам замонавий адабиётларда ўз аксини топган (Попов, 1927; Коровин, 1935; Невский, 1937; Ильин, 1946; Лавренко, 1962; Камелин, 1973; Короткий, Скрыльник, 1985; Величко и др., 2002; Величко, 2009; Akhani et al., 2007; Soberón, M. Nakamura, 2009; McCormack et al., 2010; Franzke et al., 2011; Barres et al., 2013; Banasiak et al., 2013; Pellissier et al., 2013; Manafzadeh et al., 2014; Guisan et al., 2014; Wu et al., 2015; Lomolino et al., 2017; Qiao et al., 2017; Lauterbach et al., 2019; Brown, Carnaval, 2019).

Қорақалпоқ Устурти ўсимлик қопламидаги трансформация

жараёнларини аниқлашдаги киёсий таҳлилларда муҳим фонд материаллари сифатида Е.П. Коровин ва И.И. Гранитов (1949); И.Ф. Момотов (1953); Ш.И. Коган (1954); К. Турсунбаев (1970); С.В. Викторов (1971); Х.Зарипов ва бошқ. (1972); К.Айтбаев (1973); К.Койбагаров (1973); Г.Сабилов (1977); А.Алланиязов (1980); Б.Сарыбаев ва бошқ. (Б. Сарыбаев 1981, 1994; Б.Сарыбаев 1987; Б.Сарыбаев, Ш.Ш. Сапаров 1977); П.Халмуратов (1980); Ж.Утепбергенов (1980); П.А. Тажимуратов (1981); Ш.Сапаров (1983); А. Алланиязов ва Б. Сарыбаев (1983); А. Бахиева ва бошқ. (1988-1990), С.К. Кабулов (1989); И.Е. Клейменова (2010); Д.М. Тажитдинова/Д.М. Tajetdinova (2015, 2017, 2018, 2019) ва бошқаларнинг маълумотларидан фойдаланилди. Бирок, флора ва ўсимликлар қоплами бўйича олиб борилган ушбу муҳим тадқиқотларга қарамай, регионда юзага келган экологик шароит таъсирида фитоценозлар тузилишидаги ўзгариш механизмлари, ўсимлик қопламининг прогноз моделлари, бундан ташқари, геологик даврларнинг иқлим аномалиялари билан Устюрт эдификаторларининг географик ареаллари ўртасидаги ўзаро алоқа масалалари очиқ берилмаган.

Шунга кўра, тургун бўлмаган иқлим омилларининг ўсимлик қопламига салбий таъсир кўламини, айниқса, Орол денгизи қуришидан кейинги таъсирини аниқлаш, геохронологик даврлар мобайнида Устюрт эдификаторлари иқлим ареалларининг динамикаси, толерантлик даражаси ва шаклланишини, бундан ташқари, фундаментал нишаси диверсификацияси даражасини аниқлаш, тадқиқот ҳудуди ўсимликлар қопламининг замонавий таснифини тузиш ҳамда хилма-хиллигини муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф5-ФА-0-13289 «Чўлланиш жараёнида Устюрт ўсимлик ва ҳайвонот олами ривожланишининг замонавий тенденциялари» (2017-2020) ҳамда «Қорақалпоғистон Республикаси ўсимликлари қоплами ва яйлов ресурсларининг замонавий ҳолатини баҳолаш» (2020-2022) мавзуларидаги фундаментал лойиҳа ва давлат дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** табиий-антропоген ўзгарган муҳит фониди Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қоплами динамикасини аниқлаш ҳамда уни муҳофаза қилиш амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қорақалпоқ Устюртининг иқлим омилларидаги ўзгаришларни, худуднинг курғоқчиллигини ҳамда унинг тренд аҳамиятини ўрганиш;

Шарқий чинк мезофит ўсимлик жамоаларининг замонавий ҳолатини ўрганиш;

биоҳилма-хиллик индекслари ва ўсимлик қоплами тузилиши кўрсаткичлари асосида Шарқий чинк ўсимлик қопламидаги ўзгариш механизмларини аниқлаш;

Устюрт платоси ўсимликлар қопламининг замонавий ҳолатини баҳолаш ва фитоценоз ўзгарувчан кўрсаткичлари кўп йиллик динамикасининг



йўллари аниқлаш;

чўлланиш жараёни билан боғлиқ ҳолда ўсимликлар қоплами ҳолатидаги ўзгаришларнинг прогноз моделларини ишлаб чиқиш;

турли геологик даврлар иқлим аномалиялари фонида Устюрт эдификаторлари иқлим ареалларининг динамикаси, толерантлик даражаси ҳамда фундаментал нишаларининг шаклланишини аниқлаш;

фитоценозлар трансформациясининг тавсифини ва замонавий ҳамда келажакда унинг тузилишидаги ўзгариш йўналишларини белгилаш;

тадқиқот ҳудуди ўсимликлар қопламининг замонавий таснифи ва «Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қопламининг харитаси»ни тузиш;

Қорақалпоқ Устюртининг таъсирчан ўсимлик жамоаларини сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Устюрт платосининг Қорақалпоғистон қисми фитоценозлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** — иқлим ўзгариши, фитоценозларнинг тузилиши ва трансформацияси механизмлари, биогеография, ўсимлик қопламининг таснифи ва хариталаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда дала, геоботаник, фитоценотик, хорологик, хариталаш ва статистик методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

иқлим ўзгаришининг тренд кўрсаткичлари ва ноодатий курғоқчиликлар фонида Қорақалпоқ Устюртидаги алоҳида синтаксонларнинг таъсирчанлик тенденциялари аниқланган;

Орол денгизи қуриши билан боғлиқ Шарқий чинк мезофил жамоаларидаги биохилма-хиллик индексларининг ўзгариши ва синтаксонларнинг чидамлилиги аниқланган;

фитоценоз предикторлари тарихий ва замонавий ҳолатларининг ўзаро мантиқий алоқалари ҳамда ўсимлик қопламининг иқлим ўзгаришига жавоб йўллари асосланган;

келажакда иқлимнинг курғоқчилланиши фонида тадқиқот ҳудуди ўсимликлар қоплами ривожланишининг тўғри чизикли модели аниқланган;

геологик даврлар иқлим аномалияларининг Устюрт эдификаторлари климатик ареалларининг динамикаси ва толерантлик даражасига таъсири асосланган;

геохронологик даврлар мобайнида эдификаторлар реализациялашган ареалларининг ривожланиш модели ва фундаментал нишаларининг дивергенцияси хусусиятлари аниқланган;

трансформацияни ҳаракатлантирувчи кучлари, индикаторлари ва хусусиятлари асосида Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қоплами динамикасининг асосий механизмлари (қулайлик, толерантлик ва ингибирланиш) очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

1 климатип, 2 та эдафотип, 3 та ценотип, 5 та формация ва 43 ассоциацияларни ўзида бирлаштирган Қорақалпоқ Устюртининг замонавий

таснифи ишлаб чиқилган;

«Қорақалпоқ ўсимликлар қопламининг харитаси»нинг янгиланган варианты (синтаксонларнинг замонавий чегараси ва ҳолатига кўра 46 та бирлик) ва унинг изоҳи ишлаб чиқилган;

Қорақалпоқ Устюрти ўсимлик қоплами деградацияси хилларининг таснифи ишлаб чиқилган ва хусусиятлари аниқланган;

Шарқий чинк ўсимликлар қоплами устида кузатувлар олиб бориш учун доимий мониторинг майдонлари ташкил этилган;

Қорақалпоқ Устюртининг деградацияга таъсирчан ўсимлик жамоаларини муҳофаза қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда қўлланилган замонавий усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган хулосалар ва қонуниятларни асосланганлиги, шунингдек, диссертация ишининг амалий натижаларини тегишли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқлим ўзгариши билан боғлиқ ҳолда фитоценозлар структурасидаги ўзгаришларнинг чуқур таҳлил этилганлиги, ўсимлик жамоаларининг ксерофитлашиш ва галофитлашиш билан боғлиқ қайта тузилиши хусусиятларини аниқланганлиги, турларнинг иқлим ареаллари ва фундаментал нишаларини шаклланишида палеоклиматик реконструкциялар аҳамиятининг асосланганлиги, тадқиқот ҳудуди ўсимлик қоплами трансформацияси индикаторлари ва хусусиятларининг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қопламининг замонавий таснифини тузилганлиги ва харитасининг яратилганлиги, тадқиқот ҳудуди учун ўсимлик қоплами деградациясига сабаб бўлувчи омиллар таснифининг ишлаб чиқилганлиги, доимий кузатув мониторинг майдонларининг ташкил этилганлиги, иқлимнинг қурғоқчилланишига таъсирчан бўлган камёб ўсимлик жамоаларини сақлаб қолиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқ Устюрти ўсимлик қоплами трансформациясининг хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

1 климатип, 2 та эдафотип, 3 та ценотип, 5 та формация ва 43 ассоциацияларни ўзида бирлаштирган Қорақалпоқ Устюртининг замонавий таснифи Қўнғирот давлат ўрмон қўмитаси бошқармаси амалий фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 05 апрелидаги №184-сон маълумотномаси). Натижада, ўсимликларнинг кадастр маълумотларини шакллантириш ва ўрмон хўжалиги фонди ерларидаги ўсимлик қопламининг рақамли платформасини яратиш имконини берган;

46 та харита бирлигидан иборат бўлган «Қорақалпоқ ўсимликлар

қопламининг харитаси» ва унинг изохи Қўнғирот давлат ўрмон қўмитаси бошқармаси амалий фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 05 апрелидаги №184-сон маълумотномаси). Натижада, яйлов ресурсларини инвентаризациялаш ва яйлов чорвачилигини ривожлантириш учун истиқболли контурларни баҳолаш имконини берган;

ишлаб чиқилган ўсимлик қоплами деградацияси хилларининг таснифи ва хусусиятлари, бундан ташқари, деградацияга таъсирчан жамоаларни муҳофаза қилиш бўйича тавсия этилган амалий чора-тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалий фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 05 апрельдаги №01/18-1063-сон маълумотномаси). Натижада, иқлим ўзгариши ва антропоген омиллар таъсирида шаклланган ва ўсимлик қопламига таъсир этувчи худудий хавф ва таҳдидларни аниқлаш ҳамда геологик-кидирув ишлари оқибатларини Устюрт биохилма-хиллигига таъсирини юмшатиш имконини берган;

ташқил этилган доимий мониторинг майдончалари ва Шарқий чинк ўсимликлар қопламининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалий фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 05 апрельдаги №01/18-1063-сон маълумотномаси). Натижада, таъсирчан Шарқий чинк ўсимликлар қоплами устида кузатувлар олиб бериш ва уларни худудий муҳофаза қилиш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 18 та илмий мақола, жумладан, 12 та республика ва 6 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етгита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 195 бетни ташқил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича республика ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети

келтирилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «Устюрт ва унга ёндош ҳудудлар ўсимликлар қопламининг таҳлилий шарҳи» номи биринчи боби Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қопламининг ўрганилганлик даражаси, ўсимликлар қопламини деградациясига олиб келувчи мавжуд омиллар ҳамда кўрсатилган муаммони ҳал этиш бўйича концептуал ёндошувларга бағишланган.

Адабиёт манбаларининг таҳлили асосида ечими ҳудуднинг биохилма-хиллигини муҳофаза қилиш ва Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга имкон берадиган мазкур тадқиқотнинг индикатор кўрсаткичлари баён этилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ҳудудининг қисқача тавсифи. Тадқиқот материаллари ва методлари» номи иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва методлари, бундан ташқари, ўрганилган ҳудуднинг физик-географик тавсифи батафсил ёритилган.

Устюрт платоси – Ўрта Осиёнинг ғарбида жойлашган чўл ҳудуди саналади. Унинг майдони 3 та давлатлар – Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон ҳудудларида жойлашган. Устюрт платосининг Қорақалпоқ қисми Ўзбекистон Республикасининг ғарбида жойлашган бўлиб, шарқдан – асосий қисми қуриб қолган Орол денгизи билан чегараланиб туради. Устюрт платосининг Шарқий чинки – йирик, морфологик бўлақларга бўлинган, қурғоқчил тошли чўл ҳисобланади. У платони шарқдан қирғоқ чизиги билан ажратиб туради ва унинг табиий чегараси саналади. Шарқий чинк қирғоқларини ювиб турувчи Орол денгизи унинг иқлимига катта таъсир этади – ҳудудда тез-тез туманлар шаклланиб туради, денгиздан узок бўлган бошқа ҳудудларга қараганда ҳаво намлигининг юқорилиги ва ёғин миқдорини кўплиги билан ажралиб туради (Сарибаев, 1981). Ўрта Осиё ва Қозоғистон, жумладан, Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштирилишига кўра, Устюрт платоси Шимолий Турон провинциясининг Ғарбий-Шимолитурон остпровинциясига тааллуқлидир (Рачковская, 2003; Тожибаев ва бошқ., 2016). Устюрт флораси тахминан 724 турни ўз ичига олади (Сарибаев, 1981). Ушбу бобда қўйилган вазифаларни ҳал этишда фойдаланилган услублар батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ҳудудининг иқлими ўзгариши ва қурғоқчилланиши» номи учинчи бобида иқлим ҳосил қилувчи омилларнинг кўп йиллик динамикаси, тадқиқот ҳудудининг қурғоқчилланиш даражаси ва унинг тренд аҳамияти ёритилган.

Метеорологик маълумотлар («Жаслик», «Кўнғирот» м.) асосида тадқиқот ҳудудининг турли географик пунктларига боғлиқ равишда атмосфера ёғинлари ва ўртача ойлик ҳаво ҳароратининг тақсимланишида маълум тенденциялар мавжудлиги аниқланди.

Йиллик ҳароратлар йиғиндисининг кўп йиллик тақсимланишида Қорақалпоқ Устюртида фаол антропоген таъсир давридан олдинги вақт билан солиштирилганда ўртача 18-20 мм камайиш билан боғлиқ манфий тренд ( $r=0.02$ ) белгиланди. Ёғин миқдорининг ўзгариш амплитудаси ( $K_{yuz.}$ ) 13% дан

кўпни ташкил этади. *Хавонинг ўртача ҳарорати* учун ижобий тренд ( $r_{\min}=0.1$ ,  $r_{\max}=0.2$ ) аниқланди. Сўнгги 40-50 йилда ҳаво ўртача ҳароратининг кўтарилиши ўртача  $2.0^{\circ}\text{C}$  ( $K_{\text{yuz.}} = 49-55\%$ ) ташкил этади.

*Педя (Si) қурғоқчилик индекси* бўйича олинган натижалар (1960-1970 йй. базавий ва 1960-2015 йй. тадқиқот йиллари асосида) *Si* индексини ҳар ўн йилликда март-июнь ойларида «меъёрий намлик шароити»дан (0.6) «кучсиз қурғоқчилик» (1.7) томон ўзгаришини кўрсатди. Бу ҳолат 2007 йилда кузатилган қурғоқчиликка Шимолий Устюрт ўсимлик қопламининг таъсирчанлигини (*VNI индекс*) ошишида ҳам намоён бўлди. Алоҳида йилларда (2009, 2010, 2013, 2019) ер устки ҳароратининг кескин ошиши билан ўсимлик қопламининг нобуд бўлиши, атмосфера ёғинларининг камайиши ва ўсимлик қопламининг тегишли ривожланиш фазаларида оз биомассани тўплашига сабаб бўладиган ўртача йиллик ер ҳарорати (*LST индекс*) ҳамда ўсимлик қопламининг меъёрлаштирилган индекслари (*NDVI индекс*) ўртасида ўзаро алоқалар кузатилмади. Юқори ҳарорат кўрсаткичларига қарамай, Жанубий Устюрт текислик қисмининг ўсимликлар қоплами ноодатий қурғоқчиликларга кам таъсирчанлиги билан ажралиб туради – гап буюргунзор (*Anabasis salsa*), кемруд шувокли-титрзор (*Caroxylon gemmascens*, *Artemisia kemrudica*) ва кемруд шувокли-буюргунзор (*Anabasis salsa*, *Artemisia kemrudica*) вакиллари устунлик қилган жамоалар ҳақида кетмоқда.

Диссертациянинг «Қорақалпоқ Устюрти ўсимлик жамоаларининг иқлим ўзгариши билан боғлиқ қайта тузилиш механизмлари» номли тўртинчи бобида тадқиқот ҳудуди ўсимлик қопламининг чўлланиш билан боғлиқ замонавий ҳолати, ўзгариш механизмлари ва ривожланишининг прогноз моделлари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Шарқий чинк ўсимликлар қоплами ўзида тоғ, ўтлоқ ва дашт мезофит элементларини сақлаган, Орол денгизи ва Устюрт платоси ораллигида шаклланган алоҳидалашган мустақил комплекс фитоценоз сифатида қаралади (Сарибаев, 1981). Бироқ иқлим қурғоқчиланишининг прогрессив тенденцияси Шарқий чинкнинг ноёб фитоценозлари ташкил этувчилари ҳолатини ксерофитлашиш томонга ўзгартириш орқали салбий таъсир этмоқда. Шунга боғлиқ тарзда, Шарқий чинк мезофит гуруҳ ўсимликларининг ҳолати  $\alpha$ - ва  $\beta$ -хилма-хиллик индекслари (доминантлик индекслари (Dominance – *D*), Симпсон (Simpson – *I-D*), Шеннон (Shannon – *H*), Маргалеф (Margalef – *D\_{Mg}*) Уиттекер ( $\beta_{W}$ )) ҳамда фитоценознинг тузилиш кўрсаткичлари (турлар сони (*NS*), қоплам даражаси (*VC*), галофит ва ксерофитларнинг миқдори ( $n_{x-h}$ ), мезофит и ксерофитларнинг миқдори ( $n_{m-xm}$ ), галофит ва ксерофитларнинг қоплам даражаси ( $VC_{x-h}$ ), мезофит ва ксерофитларнинг қоплам даражаси ( $VC_{m-xm}$ )) асосида улар ҳолатининг тегишли йилларда (OS–1970-1980 йй.; MS–2010-2020 йй.) қиёсий аспектда таҳлил қилиш билан амалга оширилди.

Шарқий чинкнинг ўзига хос рельеф тузилиши Орол денгизининг қуришидан олдин жуда яхши ривожланган наъматақзор, дўлानазор, бедазор ва бугдойикзор каби ўсимлик формацияларининг қисман сақланиб қолинишига имкон берган. 1970-1980 йилларда Шарқий чинкда қайд этилган тўқай, ўтлоқ ва дашт типларига мансуб (Сарибаев, 1981) ўсимлик жамоаларининг қарийб

50% ҳозирги кунда қисман сакланиб қолган ёки тўлиқ йўқолган. Сакланиб қолган жамоаларида эса синтаксонларнинг қайта тузилиши билан ўзгаришлар содир бўлмоқда.  $\alpha$ -индекс таҳлиллари дўланазор формацияси жамоаларида турлар хилма-хиллиги ва ўт ўсимликлар мўллигини пасайиши билан боғлиқ  $D$  кўрсаткичининг ошишини кўрсатди. Айниқса, ўт ўсимликлар мўллигининг пасайиши ҳолати *Medicago sativa* доминантлик қилган жамоаларда турлар хилма-хиллигининг сезиларли камайиши ҳисобига доминантликнинг ошиши ( $D_{Mg}=6.07 \rightarrow 3.85$ ;  $D_{Mg}=6.38 \rightarrow 3.36$ ) билан яққол намоён бўлмоқда. Аксарият жамоаларда (ХН, БНД, ХБ, ҚБ ва ББ)  $I-D$  жуда яқин (0.91-0.96) бўлиб, бу ҳолат жамоалар тузилиши ва хилма-хиллигининг «бараварлиги»дан далолат беради (1-жадвал).

1-жадвал

Мезофит ўсимлик гуруҳлари биохилма-хиллик кўрсаткичларининг ўзгариши

Синтаксонлар	D		I-D		H		D <sub>Mg</sub>		β <sub>w</sub>
	OS	MS	OS	MS	OS	MS	OS	MS	
<b>I. ТУКАЙ</b>									
Наъматақзор:									
ҳар-хил ўтли-наъматақзор (ХН)	0.04	0.08	0.95	0.91	3.16	2.84	4.84	4.23	0.02
наъматақзор (Н)	0.62	0.56	0.38	0.44	0.86	1.30	1.56	4.20	0.42
Дўланазор:									
бедали-наъматакли-дўланазор (БНД)	0.09	0.16	0.91	0.84	2.87	2.29	4.74	4.65	0.04
дўланазор (Д)	0.20	0.56	0.80	0.44	2.27	1.16	3.38	3.16	0.08
<b>II. ЎТЛЮҚ</b>									
Бедазор:									
қоратомирли-бедазор (ҚБ)	0.05	0.22	0.94	0.77	3.25	1.98	6.07	3.85	0.38
ҳар-хил ўтли-бедазор (ХБ)	0.03	0.29	0.96	0.70	3.47	1.80	6.38	3.36	0.37
<b>III. ДАШТ</b>									
Бугдойиқзор:									
бедали-бугдойиқзор (ББ)	0.08	0.07	0.91	0.93	2.74	2.89	3.70	5.25	0.14

Эслатма: OS – 1970–1980 йй.; MS – 2010–2020 йй.

Ўрганилган 7 та мезофит жамоалардан 5 тасида Орол денгизининг қуриши билан ноқулай яшаш шароитларига алоқадор бўлган биохилма-хиллик индексининг ( $D_{Mg}$ ) полидоминантлик ( $I-D$ ) индекси билан ижобий корреляция намоён этишини кўрсатди. Алоҳида жамоаларда (ХН, БНД) турлар мўллигининг пасайиши, хилма-хиллигининг кескин камайиши (ҚБ, ХБ) ёки ҳар иккала таъсирлар (Д) остида доминантлик индексининг ( $D$ ) кўтарилаётганлигини кўриш мумкин. Бошқа бир томондан, Н ва ББ жамоалари таркибига айрим қурғоқчиликка чидамли бута ва кўп йиллик турларнинг кириб келиши ҳисобига, уларнинг «бараварлиқ» хусусиятининг ортиши (тегишли равишда  $D=0.62 \rightarrow 0.56$ ;  $H=0.86 \rightarrow 1.30$  ва  $D=0.08 \rightarrow 0.07$ ;  $H=2.47 \rightarrow 2.89$ ) содир бўлмоқда. Мезофит турлар сони ва мўллигининг сезиларли қисқариши ҳамда жамоалар таркибига ксерофит ва мезоксерофит турларнинг кириб келиши фитоценозларнинг янги тургун таркибга эга бўлган ҳамда қайта шаклланаётганлигини англатувчи трансформациянинг дастлабки босқичлари содир бўлаётганлигидан дарак беради. Айниқса, жамоалар таркибига ксерофит ва мезоксерофит турларнинг кириб келиш ҳолати альфа- ( $D_{Mg}$ ) ва бетахилма-хиллик ( $\beta_w$ ) индексларида сезиларли фарқлар мавжуд бўлган ҚБ ва ХБ жамоаларида яққол намоён бўлиб, бу ҳолат яқин келажакда ушбу жамоаларни тубдан трансформацияга учрашишидан далолат берувчи

тахликали индикатор саналади.

Иқлимнинг қурғоқчиллашишига қарамай, юқорида таъкидлаб ўтилган жамоаларидан фарқли равишда Н ва ББ жамоаларида Маргалеф индексининг ( $D_{Mg}$ ) ўтган асрнинг 80-йилларига қараганда 2 баробар ортганлигини кўрсатди. Ушбу жамоаларда  $D_{Mg}$  индексининг ортиши, бир томонидан *Rosa laxa* доминантлигининг камайиши ( $D=0.62-0.56$ ) билан жамоалар таркибига ксерофит характерга эга бошқа турларнинг кириб келиши, иккинчи томондан, ўзгарган шароитга айна синтаксонлар вакиллариининг чидамлилиги билан изоҳланади. Бу борада, Н ва ББ жамоалари тузилишининг кам ўзгарувчанлигида доминант турларнинг географик ареаллари ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим, жумладан, *Agropyron fragile* – келиб чиқишига кўра кавказ-сибир-турон тури ҳисобланса, *Rosa laxa* – сибир-синьзян тури бўлиб, ареали Сибир ва Монголиядан тортиб тоғли Ўрта Осиё ҳамда Устюртгача чўзилган, кенг экологик диапазонга эга, Шарқий чинк шароитига жуда яхши мослашган тур саналади.

1970-2020 йиллар оралигида «Кабанбай» мониторинг майдонида олинган натижалар шуни кўрсатдики, 50 йил мобайнида ўртacha тур кўрсаткичи ( $M_{NS}$ ) ва копланиш даражаси ( $M_{VC}$ ) 2 бараварга камайган (2-жадвал).

Бунда юқори тур таркибига эга жамоаларнинг қурғоқчиликка бирмунча сезгирлиги ва айна шароитда оз тур таркибига эга жамоаларнинггина муваффақиятли ривожланиши аниқланди. Шарқий чинк худудида экологик вазиятнинг ўзгариши билан сўнгги йилларда  $VC_{max}$  ва  $VC_{min}$  кўрсаткичлари вариациялари оралигида катта фарқларни ( $v$  25.6→68.5) кўриш мумкин. Бу ҳолат алоҳида турларни жамоадан сиқиб чиқарилиши ва/ёки адабиётларда (Norden et al., 2011, 2012; van Breugel et al., 2007) таъкидланганидек, янги муҳит шароитига чидамли турларни кириб келиши билан тушунтирилади.

## 2-жадвал

Турли кузатиш йилларидаги ўсимлик коплами кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	max		min		M		v	
	OS*	MS*	OS	MS	OS	MS	OS	MS
NS	49.7±1.57	17.4±0.37	5.5±0.26	4.6±0.32	20.6±2.57	9.7±1.95	65.3	39.2
VC	95.1±0.55	95.7±0.27	45.8±0.77	7.1±0.30	63.1±2.30	36.9±1.15	25.6	68.5
$P_{r+h}$	98.0±0.49	99.0±0.34	55.1±0.47	25.0±0.29	79.4±1.71	81.3±1.11	18.1	20.5
$n_{m-om}$	45.5±0.36	75.3±0.25	0.5±0.25	0.8±0.22	20.6±2.81	18.7±2.22	69.4	88.6
$n_{m-om}$	98.3±0.40	99.1±0.24	20.4±0.37	11.4±0.15	75.6±1.77	84.2±1.15	35.5	28.5
$VC_{r+h}$	80.4±0.83	89.4±0.23	0.8±0.24	0.9±0.20	23.8±2.77	15.9±2.09	109.4	150.4

\* – OS – 1970–1980 йй.; MS – 2010–2020 йй.

Кўп ўлчовли таҳлил (NMDS) асосида 50 йил давомида ўсимлик копламининг турли ценотик кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Ҳар иккала (OS, MS) кузатув даврларида фитоценоз ўзгарувчан кўрсаткичларини ўзаро яқинлик майдонида эмас, балки манфий майдон градациясида концентрацияга эришганлигини кўриш мумкин. Жамоаларнинг бундай хилдаги муносабатлари қурғоқчил худудларда ўсимлик коплами микдорий кўрсаткичларининг ўзгариши ҳисобига унинг тўлиқ қайта тузилиши билан боғлиқ трансформация жараёнларининг генерализацияси ҳақида дарак беради. Бу ўринда, қурғоқчиликда жамоа зичлигини ўзгариши билан боғлиқ ўсимлик коплами тузувчиларининг стратегик тақсимланишини

баҳолаш муҳим саналади. *Kernel density* таҳлил кўрсаткичлари қулай бўлган шароитда (*OS*) ўсимлик қопламининг мозанк тузилишга эга эканлигини кўрсатди. Бу ҳолат ҳудудда ўхшаш турлар таркиби ва қоплаш даражасига эга жамоаларнинг бир текис тақсимланганлигини англатади. 1-расмдан кўриниб турибдики, *OS* даврда аксарият қоплаш даражаси 50-55% ни ташкил этган ва 10-20 та турдан иборат жамоалар кенг тарқалган бўлган.



*f* кўрсаткич бўйича муҳитнинг қурғоқчил шароити учун меъёрий зичлик типи жамоаларнинг тўғри чизикли тақсимланишида намоён бўлади. Бундай тақсимланиш кучсиз турларнинг йўқолиши ( $i_1$ ), оз турларга эга бўлган янги жамоаларнинг шаклланиши ( $i_2$ ), олдинги мустаҳкам жамоалар қоплаш даражаси тургунлигининг сакланиши ( $i_3$ ), бундан ташқари, янги майдонларни эгаллаб оладиган, стратегиясига кўра конкурент турлар пайдо бўлишининг ( $i_4$ ) натижаси саналади. Ушбу ҳолатларнинг барчаси монотон хусусиятга эга бўлган Устюрт платоси ўсимлик қоплами тузилишидан амалда фарқ қилмайдиган Шарқий чинкнинг замонавий ўсимликлар қопламининг ҳолатини ўзида акс эттиради.

*GLM* бўйича *i*-кўрсаткичнинг шаклланиши ёки ўзгарувчан шароитга жамоаларнинг жавоб реакцияси муҳит шароити функцияларининг ўзгариши ҳисобига ўсимлик қоплами предикторлари асосий кўрсаткичларининг (*NS* ва *VC*) биргаликдаги ўзгариши асосида амалга ошади. Мониторинг участкасидаги предикторларнинг (*NS* ва *VC*) тарихий-ҳозирги ва замонавий-ҳозирги ҳолатларининг таҳлили сўнгги 40-45 йилда кўрсаткичларнинг тўғри чизикли регрессиясини кўрсатди (1-расм). Тарихий-ҳозирги турғун ҳолатидан ( $y=0.0057317x+63.1771$ ) фарқли равишда *MS* ҳолатида предикторларнинг прогрессив характери ( $y=0.5661x+31.375$ ) келажакда *i*-кўрсаткичларга эга жамоаларнинг шаклланиши доминант ҳолат касб этишидан дарак беради.

Умуман, сўнгги йилларда мезофит ва ксеромезофит турлар ўртача кўрсаткичи вариабеллигининг қарийб 90% ни ( $v=88.6$ ) ташкил этиши Шарқий чинк ўсимликлар қопламида бундай таксонлар миқдорининг пасайишини ( $Mn_{m-xm}$  20.6→18.7) англатади (2-жадвал). 40-45 йил ичида қурғоқчиликнинг кучайиши билан боғлиқ *VC* кўрсаткичнинг пасайиши  $MVC_{x-h}$  нинг самарадор кўтарилишига ( $v=28.5$ ) таъсир этиб,  $Mn_{x-h}$  билан ижобий корреляция ( $k=0,62$ ) намоён этади. Бундай шароитда *VC* кўрсаткичи тўлиқ галофит ва ксерофитлар ҳисобига шаклланган жамоаларнинг устун бўлиши кузатилмоқда.  $n_{m-xm}$  ва  $VC_{m-xm}$  кўрсаткичлар вариабеллигининг ортиши мезофит жамоалар чидамсизлигининг муҳим индикатори саналади.

*IVI* (*Importance Value Index*) таҳлили асосида сўнгги йилларда популяцияси стратегиясига кўра конкурент бўлган айрим турлар (*Leuzea repens*, *Echinops ritro*, *Rosa persica*, *Dodartia orientalis*) оғирлик кўрсаткичларининг *M.d.* (*Mean difference*) ортганлиги аниқланди. Қиёсий макон анализлари натижаларига кўра, Устюрт платосининг текислик қисми ўсимликлар қоплами учун жамоалар тақсимланишининг ҳаддан ташқари монотонлилик, оз тур сақловчи ва юқори қоплаш даражаси хусусиятларини ўзида намоён этадиган «томчи кўринишидаги зичлик» хосдир (1-расм).





1-расм. Фитоценоз предикторларининг (MS ва ZC) тарихий-хазирги (OS) (1970-1980) ва замонавий-хазирги (MS) (2010-2020) ҳолатларида маконий тақсимланиши ва тенденциясининг прогноз кўрсаткичлари

Масалан, 1970-1980 йилларда 10 та калит жамоаларда тарқалган 54 та турдан 8 таси (15%) (*Anabasis salsa*, *A. brachiata*, *Artemisia terrae-albae*, *Haloxylon aphyllum*, *Carexylon*, *Kalidium caspicum*, *Eremopyrum orientale*, *Pyankovia brachiata*) 50% жамоаларнинг шаклланишида фаол иштирок этиб, уларнинг қоплаш даражасидаги улуши 57% ни ташкил этган. Айни дамда, ушбу калит жамоаларда фаол турларнинг таркиби (*Anabasis salsa*, *A. brachiata*, *Nanophyton erinaceum*, *Lepidium perfoliatum*, *Pyankovia brachiata* *Ceratocarpus arenarius*) ва қоплаш даражасининг ортиши кузатилмоқда – ушбу турларнинг 59% жамоаларнинг шаклланишида (қоплаш даражаси 77%) иштирок этмоқда.

Иқлимнинг қурғоқчилланишига нисбатан Қорақалпоқ Устюрти текислик қисми ўсимлик қопламнинг жавоб реакцияси (*i*-кўрсаткич) унинг комплекслиги ва монотонлиги билан алоқадор. Бу ўринда, биринчи навбатда, жамоаларнинг тарихий-ҳозирги давридаги тур таркиби ва қопланиш даражаларини тургун сақланиб туришини таъкидлаш лозим (*i*<sub>1</sub>). Бу кўринишдаги ҳолат оз намоён бўлсада, таркиби 3-5 та турдангина иборат ҳамда фақат ксерофит/галофит вакилларида ташкил топган тақир ўсимлик жамоалари учун хосдир. Устюртнинг текислик қисми ўсимлик қопламидаги энг кенг тарқалган ўзгариш – мўллагининг ошиши ҳисобига доминант таксонлар ўрнининг ортиши ва тургун бўлмаган бир йиллик турларнинг интенсив динамикаси (*i*<sub>2</sub>) ҳисобланади. Бундай ҳилдаги ўзгаришлар янги шаклланган тақирлар ёки шўрхок тупроқларга эга бўлган ботиклардаги ўсимлик гуруҳларида намоён бўлади. Бундан ташқари, доминант турлар мўллагининг тургун (ўзгаришларсиз) сақланиши ва оз мўлликка эга бўлган турларнинг эса доимий алмашилиб туриши (*i*<sub>3</sub>) кам намоён бўладиган ўзгаришлар каторига киради. Устюрт платосидаги жамоаларининг ксеро- ва галоомилларга тарихий мослашганлигига қарамай, алоҳида синтаксонларда доминант турлар фитоценотик ўрнининг пасайиши ҳисобига юз бераётган тубдан ўзгаришларни (*i*<sub>4</sub>) ҳам айтиш жоиз. Ушбу ҳилдаги ўзгаришлар *Artemisia terra-albae* доминантлигидаги жамоалар учун хосдир.

Устюрт платосининг текислик қисми фитоценозлари ривожланишининг тўғри чизикли моделига кўра, *i*-кўрсаткич доимий прогресс хусусиятига эга бўлиб, бу ўсимлик қопламнинг ксерофитлашиш ва галофитлашиш томонга ўзгаришини англатувчи трансформациядан дарак беради (1970–1980:  $y = 1.1948x + 0.15124$ ; 2010–2020:  $y = 1.3295x + 0.064902$ ) (1-расм).

Диссертациянинг «Турон пасттекислиги геохронологик-иклим реконструкцияларининг ҳудуд эдификаторларининг тарқалишига таъсири» номли бешинчи бобида турли геологик даврлар иқлим аномалиялари фонида Устюрт эдификаторлари иқлим ареалларининг динамикаси ва толерантлик даражаси, бундан ташқари фундаментал нишаларининг шаклланиши борасидаги натижалар келтирилган.

Марказий Осиё ўсимликлар қопламнинг алмашилишида плейстоцендаги «нотургун иқлим ҳодисалари»/геологик даврлар катаклизмлари натижасида содир бўладиган иқлим ўзгаришлари ҳал этувчи аҳамият касб этган (Свиточ, 2010). Бундай геологик даврлар иқлим аномалияларининг Турон пасттекислиги ўсимликлар қопламнинг

шаклланишига таъсирини аниқлаш учун модел турлар сифатида нафақат Устюрт платоси гомоген ўсимликлар қопламининг, балки бутун Шимолий Турон худудининг доминатлари бўлган турлар – *Anabasis salsa*, *Salsola arbusculiformis* ва *Artemisia terrae-albae* танлаб олинди. Шимолий Туроннинг алоҳида аҳамият касб этган қуйидаги эко-географик регионлари: Каспийолди пасттексислиги (Cal), Устюрт платоси (PIUs), Манғишлоқ яримороли (PМа), Бўзачи яримороли (PBu), Шагирай платоси (PISh), Тўрғай платоси (TuP), Қозоқ мелкосопочниги (KaM), Бетпақдала (Bet), Зайсан котловани (ZaK), Муюнқум (Mu), Жанубий Орололди (Sar), Қизилқум (Kk) худудлари, бундан ташқари, қуйидаги геологик даврлар 1–плиоцен (3.3 Ма); 2–плиоцен, юқори ҳарорат иқлим босқичи (3.2 Ма); 3–плейстоцен (787 ка); 4–плейстоцен, сўнгги оралик музлик босқичи (са. 130 ка); 5–плейстоцен, сўнгги музлик максимуми босқичи (са. 21 ка); 6–плейстоцен, Генрих босқичи (17.0–14.7 ка); 7–плейстоцен, Бёллинг–Аллерёд босқичи (14.7–12.9 ка); 8–плейстоцен, кичик Дриас босқичи (12.9–11.7 ка); 9–эрта голоцен, Гренландия босқичи (11.7–8.326 ка); 10–ўрта голоцен, (8.326–4.2 ка); 11–кечки голоцен, Мегхалай босқичи (4.2–0.3 ка); 12–антропоген, индустрия/индустриядан сўнг (1760, 1900–1950, 1950–2000, 1950–2020) даврлар ажратилди.

Тадқиқотлардан Марказий Осиё худуди кўп бора ҳароратнинг меъёрдан кўтарилиши ва тушиб кетиши, бундан ташқари, ёғин миқдорининг кескин ўзгариши билан боғлиқ бўлган иқлим аномалиялари таъсирига учраганлиги аниқланди. Шунга кўра, 3.5 млн йил давомида юқори гетерогенлик ёки ҳарорат ва ёғин миқдорлари кескин ўзгариш хусусиятга эга бўлган экорегонлар ажратилди. Шу асосда, турлар реализация ареалининг иқлим гетерогенлигини ўзлаштириш даражаси таҳлил этилди ва турлар ареалининг иқлим гетерогенлигига таъсирчанлик индекси ( $IRE_H$ ) аниқланди (3-жадвал).

$IRE_H$  асосида геохронологик даврлар чегарасида Марказий Осиёнинг турли экогеографик регионларида турларнинг реализациялашган ареалларидаги ўзгаришлар моделлаштирилди. Таъкидлаш лозимки, Шимолийтурон провинциясининг барча худуди *Anabasis salsa* тарқалиши учун идеал саналади. Хатто, иқлимнинг аномал исиши (ўрта плиоцен, кичик Дриас) ва совишига (сўнгги оралик музлик даври, сўнгги музлик максимуми) қарамай *Anabasis salsa* нинг Каспийолди ареали қисми сақланиб қолган. Шимолийтурон провинцияси чегарасида турнинг гомоген ўсимликлар қопламида доминантлик қилаётган Каспийолди пасттексислиги, Устюрт платоси, Тўрғай платоси, Қозоқ мелкосопочниги ва Бетпақдала худудларидаги иқлим ареали айни пайтда иқлим аномалияларига юқори чидамлилиги ( $IRE_H = 0.00–0.01$ ) билан фарқланади.

Айни пайтда фитоценотик оптимуми Шимолийтурон чўллари билан боғлиқ бўлишига қарамай (Храмцов, 2003), ареалининг иқлим гетерогенлигига таъсирчанлигига кўра ( $IRE_H$ ), *Anabasis salsa* дан фарқли равишда, *Salsola arbusculiformis* ўзини Шимолийтурон флористик элементи сифатида намоеън этмади. Турнинг энг турғун иқлим ареали ( $IRE_H = 0.02–0.03$ ) иккита географик районда – Устюрт платоси (фитоценохорда майдони жиҳатидан доминантлик қилади) ҳамда Бетпақдала ва Қозоқ

мелкосопочникида (гомоген ўсимликлар қопламнинг доминанти) жойлашган. *Salsola arbusculiformis* каби *Artemisia terrae-albae* нинг иклим ареали Каспийолди чўлларида иклим аномалияларига чидамсизликни намоён этган. Бунда, Турон паст текисликларининг алохида районлари (PIUs, TuP, Vet) *Artemisia terrae-albae* нинг мустаҳкам ( $IRE_{Ht}=0.01-0.02$ ) экониша участкалари сифатида ажралиб туради.

### 3-жадвал

Турлар ареалларининг иклим гетерогенлигига таъсирчанлик индекси,  $IRE_{Ht}$

Экорегионлар	<i>Anabasis salsa</i>			<i>Salsola arbusculaformis</i>			<i>Artemisia terrae-albae</i>		
	$M_{Ht},\%$ *	$\sigma_{Ht}$	$IRE_{Ht}$	$M_{Ht},\%$	$\sigma_{Ht}$	$IRE_{Ht}$	$M_{Ht},\%$	$\sigma_{Ht}$	$IRE_{Ht}$
Каспийолди пасттексислиги	10.01	4.81	0.01	23.64	19.25	0.55	20.20	17.13	1.00
Устюрт платоси	12.05	2.44	0.01	12.90	3.14	0.01	11.60	2.74	0.01
Майгишлоқ яриморали	29.22	9.98	0.22	34.92	13.33	0.14	35.00	12.30	0.18
Бўзачи яриморали	26.66	15.16	0.35	25.87	15.21	0.94	27.47	12.53	0.98
Шагирай платоси	8.48	5.26	0.02	13.92	5.88	0.21	10.92	5.27	0.15
Тўрғай платоси	6.73	3.21	0.01	7.08	4.27	0.04	6.88	2.85	0.02
Қозоқ мелкосопочниги	6.83	0.88	0.00	9.55	3.47	0.03	7.51	0.93	0.03
Бетпақдала	11.11	2.77	0.01	12.29	2.02	0.02	11.41	4.24	0.02
Зайсан котловани	31.26	2.15	0.04	32.99	3.62	0.10	22.24	4.19	0.17
Музонкум	34.87	4.12	0.07	34.36	4.43	0.14	26.67	5.90	0.30
Жанубий Оролдан	11.65	2.20	0.09	13.36	3.73	0.31	12.89	2.62	0.27
Кизилкум	14.06	1.44	0.04	15.63	2.13	0.05	13.02	1.78	0.02
$MIRE_{Ht}$			0.1			0.2			0.3

\*—турлар реализациялашган ареалларининг ( $RE$ ) иклим гетерогенлигини ўзлаштириш даражаси ( $Ht, \%$ )

Куйида, геохронологик даврлар давомида турлар иклим ареалларининг тарихий шаклланиш, динамикаси, толерантлик даражаси ва ривожланишининг прогноз моделлари, бундан ташқари, фундаментал нишаларининг реализациялари бўйича олинган тадқиқот натижалари келтириб ўтилади:

***Anabasis salsa*.** Иклим ареали динамикасининг прогноз моделига кўра, кўпгина экорегионларда тур ареалининг прогноз модел кўрсаткичи кузатишган кўрсаткичга мос келади ва бу турнинг иклим ареали айни Турон пасттексисликлари худудларида жойлашганлигидан далолат беради. Экорегионларнинг муҳимлилик даражаси кўрсаткичи натижалари ( $\cos 2 > 0.8$ ) *Anabasis salsa* ареалининг энг муҳим иклим реконструкцияси Шимолий Турон глобал иклимининг ўртача ҳарорати саноатлашган давргача бўлган ҳароратдан 2-3°C юқори бўлган ўрта плиоцен – иссиқ иклим даври билан алоқадор эканлигини кўрсатди. Ареали реализациясининг иккинчи босқичи Шимолий Турон худудида континентал қурғоқчилик устунлигидаги айни глобал замонавий иклимининг шаклланишига олиб келган доимий совиш ва исининг алмашинуви билан боғлиқ ўрта ҳамда кечки галоценда содир бўлган, натижада тур эконишасининг эволюцияланиши кузатишган (4-жадвал).

Тур ареалининг умумий биоклим омилларига нисбатан толерантлик даражаси натижаларига кўра, Турон пасттексислиги худудиди, турнинг, асосан, ўрта (35<50) ва паст (15<35) толерантли участкалар кенг тарқалган. Бундай участкалар ўрта галоценда содир бўлган иклим ареали реализациясининг

иккинчи босқичи билан боғлиқ экорегионларда жойлашган. Ҳажм жиҳатдан юқори толерантли участкалар ( $50 < 75$ ) кам тарқалган бўлсада, уларнинг ўзаги шаклланиши плиоцен билан боғлиқ бўлган қадимги-тарихий ареалларни (TuP, Bet, KaM) ўзида акс эттиради. Бир қанча иқлим аномалиялари билан боғлиқ «депрессив» даврларга қарамай, *Anabasis salsa* ўзининг иқлим ареалини «қайта тиклашга эришган» ва иқлимнинг қурғоқчиллиниши натижасида тур эконишаси кучли дивергенцияга учраб, янги худудларни эгаллашга муваффақ бўлган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

Геологик даврларнинг турли чегараларида турлар нишаси хусусиятларининг қиёсий баҳоси ( $k=0.73-0.83$ ,  $AUC=0.95-0.98$ )

Тур	Даврлар	Нишалар кесилмасининг потенциал индекси		Нишалар ўхшашлиги*	Нишалар дивергенцияси*	Муҳитнинг ўхшашлиги*
		индекс*	кўрсаткич**			
<i>Anabasis salsa</i>	ОМБ	0.28	MPNT	0.23	0.23	0.37
		0.32	HPNT			
	СМБ	0.47	HPNT	0.22	0.25	0.27
		0.42	HPNT			
	ЭГ	0.27	MPNT	0.59	0.41	0.52
		0.28	MPNT			
	КГ	0.20	MPNT	0.62	0.63	0.74
		0.21	MPNT			
<i>Salsola arbusculiformis</i>	ОМБ	0.00	MmPNT	0.22	0.15	0.30
		0.15	SPNT			
	СМБ	0.15	SPNT	0.55	0.51	0.57
		0.14	SPNT			
	ЭГ	0.05	MmPNT	0.40	0.30	0.41
		0.14	SPNT			
	КГ	0.05	SPNT	0.81	0.75	0.81
		0.05	SPNT			
<i>Artemisia terrae-albae</i>	ОМБ	0.43	HPNT	0.36	0.40	0.51
		0.46	HPNT			
	СМБ	0.33	HPNT	0.68	0.67	0.68
		0.26	MPNT			
	ЭГ	0.31	HPNT	0.43	0.39	0.47
		0.40	HPNT			
	КГ	0.44	HPNT	0.73	0.67	0.73
		0.47	HPNT			

\*—«Шенер D индекси» (*Schoener's D*) асосида; \*\* — HPNT — нишалар кесилмасининг юқори потенциали, MPNT — нишалар кесилмасининг ўрта потенциали, SPNT — нишалар кесилмасининг айрим потенциали, MmPNT — нишалар кесилмасининг минимал потенциали; 1-қатор — антропоген, санаотлашган (1950-2020) давр, 2-қатор — кузатилаётган мос даврлар: сўнгги оралик музлик босқичи (130,0) — ОМБ, сўнгги музлик максимуми босқичи (21,0) — СМБ, эрта голоцен (11.7–8.326) — ЭГ, кечки голоцен (4.2–0.3) — КГ.

*Salsola arbusculiformis*. *Salsola arbusculiformis* палеоиклим ареалининг тарихий шаклланиши натижалари плейстоценнинг оралик музлик даврида (тўртламчи давр бошида) тур иқлим ареалининг доимий редуцияга

учраганлиги ёки қисқариб борганлигини кўрсатди. Шунга кўра, Турон пасттекисликларидаги экорегионларда иклим ҳодисалари остида *Salsola arbusculiformis* реализациялашган ареалининг доимий равишда «депрессия» остида шаклланганлигини айтиш мумкин. Бундан ташқари, алоҳида экорегионлар иклим предикторларининг улуши натижалари  $IRE_H$  кўрсаткичи билан ҳам тасдиқланади, яъни кўпгина кузатилган компонентларнинг (экрегионларнинг)  $\cos 2$  даражаси учун паст қийматлик ( $\cos 2 < 0.2$ ) хосдир. Бу кузатилган геохронологик даврлар мобайнида Турон пасттекисликларидаги экорегионларни *Salsola arbusculiformis* иклим ареалининг реализацияси учун «мос эмаслиги»дан далолат беради.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, тур ареали реконструкциясининг қадимги илдизлари деградация/қайта тиклаш сифатларини намоён этган ҳолда тоғли Ўрта Осиёда ксеротермикнинг кучайиши билан ёки Р.В. Камелин (1973) фикрига кўра, “... прашибляк ценозларининг ксероген редукцияси, декумбацияси ва прашибляклар остки ярусларидаги эдификаторларнинг ксероморф эволюцияси” натижасида пайдо бўлган ҳамда Турон текисликларига «сочилиб кетган» (Храмцов, 2003). Айни дамда тур ўзининг тарихий ареалини чўл минтақасида «анклав» кўринишида – Тоғли Ўрта Осиё худудларидагина сақлаб қолган. Бунда, тур ареали деградациясининг «мақбул йўли» тўртламчи (замонавий) босқичда замонавий даврда Турон провинцияси худудидаги мелкосопочник этакларида петрофил ва гемипетрофил сифатларини сақлаб қолган ҳолда устунликни намоён этиши билан содир бўлган. Шунга кўра, тур ареали Турон пасттекисликларининг биоиклим омилларига сезгир ёки кам толерантлиги билан фарқланади – оз ( $15 < 35$ ) ва жуда оз ( $15 > 0$ ) толерантли участкалар устунлик қилади. Юқори ( $50 < 75$ ) ва ўрта ( $35 < 50$ ) толерантли участкалар кичик майдонларда тақсимланган ҳамда тур ареалининг ўзаги плейстоценнинг дастлабки даврлари билан боғлиқ бўлган PIUs, Bet, PМа ва КаМ каби экорегионларга мос келади.

*Salsola arbusculiformis* учун сўнгги оралик музлик даври тарихий-фундаментал нишани шакллантириш учун ўзига хос давр бўлган. Бундан ташқари, эрта голоценда содир бўлган қисман дивергенция (физик муҳитнинг ўхшашлиги ўзаро фарқ қилмаган ( $D=0.41$ ) шароитда ҳам) турни тарихий яшаш шароитидан Шимолий Туроннинг текислик худудларига – гипермаконнинг физик омиллари билан тарихий маконнинг физик омиллари ўзаро ўхшаш бўлган ҳамда галоцендан то бугунги кунга қадар турни фитоценохордаги ўрнини мустақамлашда муҳим аҳамият қасб этган худудларга тарқалганлигини кўрсатади.

*Artemisia terrae-albae*. Тур иклим ареалининг тарихий шаклланиши уни плиоцендан бошлаб (3.3 Ма) Шимолийтуроннинг барча пасттекислик ва қисман Шарқий-Жанубийтурон остпровинцияси (Қизилқум) худудларини қамраб олган ҳолда кенг тарқалганлигидан далолат беради. *Artemisia terrae-albae* нинг келиб чиқиши плиоцен ва эрта плейстоцен билан боғлиқлиги адабиёт манбалари (Traverse, 1982; Suc and Popescu, 2005; Popescu, 2006; Biltekin, 2010; Miao & al., 2011) билан ҳам тасдиқланади. Тур ареалининг экспанцияси ва нишасининг дивергенцияси асосан, оралик музлик даврида – Турон пасттекислиги худудида

иклим қурғоқчилиги кучайган даврда кузатилган.

Бирок, қолган турларга қараганда *Artemisia terrae-albae* ни гетерогенлик даражасининг анча лабил кўрсаткичини ( $MIRE_{Ht} = 0.3$ ) ўзлаштирганлигини алоҳида таъкидлаш лозим (Турон пасттекслиги турлари учун хос бўлмаган) (3-жадвал). Сўнгги даврларда (айниқса, голоценда) тур ареалининг иклим гетерогенлиги юқори бўлган ҳудудларда кенгайиб бориши ареали диверсификацияси тоғ тизмалари (Тян-Шан, Помир, Ҳиндикуш) атрофида содир бўлиб, иклим қурғоқчиллигининг кучайиши фонид аниқ намоён бўлган морфо-ксерофит редукция белгиларини шакллантирган ҳолда (Крашенинников, 1946) Евроосиё куруқлигигача кириб борган (Garnatje et al., 2017) мезофит табиатга эга тур эканлигидан далолат беради. Ўрганилган турлар орасида *Artemisia terrae-albae* нинг фундаментал нишаси кучсиз дивергенцияси билан фарқланади ёки геохронологик даврлар физик маконининг ўхшашликлари ҳисобига унинг шаклланиши учун «махсус ривожланиш стратегияси талаб этилмаган» (4-жадвал).

Диссертациянинг «Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қоплами биомассасининг динамикаси ва трансформациясининг хусусиятлари» номли олтинчи бобида чўлланиш билан боғлиқ равишда Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қоплами биомассасининг кўп йиллик динамикаси ва трансформациясининг хусусиятлари бўйича натижалар баён этилган.

NDVI индекси асосида Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қоплами биомассасидаги кўп йиллик ўзгаришлар аниқланди. Натижалар иклим ўзгариши билан боғлиқ равишда ҳудуднинг турли қисмлари ҳамда табиий-ҳудудий мажмуаларидаги ўзгаришлар турлича эканлигини, жумладан, Қорақалпоқ Устюртининг марказий, айниқса, жанубий қисмларида 1990 йиллардан сўнг «ноллашган» ҳудудларнинг пайдо бўлаётганлиги ҳамда кенгаётганлигини кўрсатди. Орол денгизи қуриган тубида денгиз сатҳи ўзгариши билан ижобий корреляция мавжуд бўлган ўсимлик қоплами шаклланишидан фарқли равишда, сўнгги 30 йил давомида Устюртнинг турли табиий-ҳудудий мажмуалари ўсимлик қопламининг кўп йиллик ўзгаришлари билан Орол денгизининг сув сатҳи юзасини қисқариши ўртасида салбий корреляция ( $k_{\Delta r} = -0.63$ ) мавжудлиги аниқланди. Қорақалпоқ Устюртининг шимолий қисми ўсимлик қоплами учун ҳаво ҳарорати биомасса йиғилиши учун ҳал қилувчи омил саналиши ( $k=0.51$ ) белгиланди ва бу сўнгги йилларда NDVI индексининг ошганлиги билан тасдиқланади. Жанубий Устюрт ўсимлик қоплами биомассаси шаклланиши учун эса атмосфера ёғинлари чекловчи омил ( $k=0.19$ ) ҳисобланади.

Тадқиқотлар Шарқий чинк ва Устюрт платоси ўсимликлари қоплами трансформациясининг турли индикатор табиатига эга эканлигини кўрсатди. Ҳудудда кузатилаётган динамик жараёнларнинг хусусиятлари асосида қулайлик, толерантлик ва ингибирланиш атамалари билан тавсифланган ҳамда умумий ҳолатда ўсимлик қоплами трансформациясининг хусусиятларини очиб берадиган Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қоплами трансформациясининг ижобий ва салбий табиатлари аниқланди.

Кузатилаётган объектлар ўртасида мантикий муносабатларни ўзида акс эттирадиган Эйлер-Венн диаграммаси бўйича (2-расм), Шарқий чинкда

чўлланиш омиллари ўсимлик қоплами учун фитоценоз тузилишида доминантлар ўрнини ошиши, дигрессия билан боғлиқ равишда фитоценоз тузувчилари аҳамиятининг кучсизланишидан сўнг алоҳида ўсимлик қоплами гуруҳларининг шаклланиши, фитоценоз таркибида рақобатбардош турлар сифатида алоҳида синтаксонларнинг «уйғониши» ва «кириб келиши» билан амалга ошадиган «қулайлик фонини» (55%) шакллантиради (4-бобга қаранг).

Плато ҳудудида қулайлик оз намоён бўлади – қулай фитомухит, асосан *Anabasis salsa* доминант бўлган жамоаларда тур улушининг ортишини таъминлайди ҳамда галопетрофит эдафик вариантыга мансуб куйидаги галоксерофит бута вакилларининг – *Anabasis brachiata*, *A. eriopoda*, *Nanophyton erinaceum* тарқалишига имкон беради. Қулайлик нуктаи-назаридан, ҳар иккала ҳудудлар индикаторларининг ўхшашлиги 7% ни ташкил этади. Қулайликнинг буфер тўсилиш даражаси (БфТ) 7% сифатида баҳоланади ва келажакда трансформация омиллари ҳамда индикаторларининг бундай темпадаги таъсири остида ўхшашлик 14% дан ошмайди (2-расм).

Толерантлик Устюрт фитоценозлари тузувчилари мослашувчанлигининг ўзига хос динамикасида ҳам яққол намоён бўлади. Шунга кўра, платода ўсимлик қоплами трансформацияси табиатининг хусусиятлари толерантликнинг – Орол денгизи қуриши оқибатида ҳудудда шакланган салбий экологик шароитга қарамай, синтаксонлар ўрнининг турғун сакланиши ва ўсимлик қопламининг жавоб реакцияси сифатида фитоценозда доминант/эдификаторлар ўрнининг ортишида аниқ ифодаланади. Умуман олганда, Шарқий чинк ва плато фитоценозларидаги толерантлик хусусиятларининг ўзига хос жиҳатлари тегишли равишда 23 ва 61% ни ташкил этади. Толерантликнинг ўхшашлиги 8% бўлиб, келажакда буфер тўсилиши 16% нигина ташкил этади (2-расм).

Шарқий чинк ва плато ўсимликлар қоплами трансформациясининг мураккаб хусусиятлари ингибирланишда – доминант/эдификаторлар алмашинуви ёки улар виталитет ҳолатининг пасайиши кўринишида фитоценоз тузилишидаги ўзгаришлар ҳамда трансформация омиллари билан боғлиқ тарзда алоҳида таксонлар рақобатбардошлигини сусайишида ифодаланади. Ингибирланиш билан боғлиқ бўлган трансформациянинг ўта салбий хусусиятлари Орол денгизи қуриши билан Шарқий чинк террассаларининг гидротермик шароити ва микроклими турғунлиги бузилгандан кейин тўқай типига мансуб ўсимлик қоплами вакиллари – наъматақзор ва дўлანазор тарқалган майдонлар инкирозиди намоён бўлади.

Толерантликнинг устун бўлишига қарамай, плато ҳудудида алоҳида доминант турлар ўрнининг кучсизланиши ёки йўқолиши асосида синтаксонларнинг тубдан ўзгариши билан тавсифланадиган ингибирланишнинг ўзига хос томонлари ҳам кузатилади.

Диссертациянинг «Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қопламининг замонавий ҳолати» номли еттинчи бобида Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қопламининг замонавий таснифи, чўлланиш даражасини баҳолаш ва ўсимликлар қопламини сақлаб қолиш бўйича муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича натижалар келтирилган.



## ШАРКЎЙ ЧИНК

янги чиқмишга кўра мезобит булган флора алоҳида элементларнинг таъсирчанлиги

янги яшаш жойларини эгаллаб олувчи, стратегиясига кўра рақобатбардеш турларнинг пайдо бўлиши ва аҳамиятини ошириши

оз турлар таркибига ва юзери мўлликта эга булган янги жамоаларнинг пайдо бўлиши

## УСТОРТИ ПЛАТОСИ

доминант турлар ўрнининг пасайиши ёки уларнинг йўқолиши ҳисобига алоҳида синтаксонларнинг тўқдан ўзгариши

доминантлар мўлликнинг туғғун сакланishi ва оз мўлликка эга бошқа турларнинг доминий аламинишиб туриши


мўлликнинг ошиши ҳисобига доминант токсонлар ролининг ортиши

ўсимлик жамоалари компонентларининг нотўғунлиги


ТРАНСФОРМАЦИЯ ИНДИКАТОРЛАРИ

ТРАНСФОРМАЦИЯ ИНДИКАТОРЛАРИ

КУЛАЙЛИК



ТОЛЕРАНТЛИК



ИНГИБИРЛАНИШ



БфТ=7%

БфТ=8%

БфТ=0%

ТРАНСФОРМАЦИЯ ТАБИАТИ

2-расм. Қорақалпоқ Устурти ўсимлик қопламининг трансформацияси табиати:

ШЧ – Шарқий чинк, УП – Устурт платоси, БфТ – буфер тўсилиш

Тадқиқотлар натижасида синтаксонлар тузилишидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда Қорақалпоқ Устурти ўсимликлар қопламининг янгиланган таснифи, харитаси ва унинг изохи тузилди. Ўрта Осиё ўсимликлар қопламининг таснифига (Зокиров, 1989) таянилган ҳолда Қорақалпоқ Устурти ўсимликлар қоплами 1 климатип, 2 та эдафотип, 3 та ценотип, 5 та формация ва 43 та ассоциациялардан иборатлиги аниқланди.

Янги замонавий таснифга биноан, Қорақалпоқ Устуртининг ўсимликлар қоплами ядроси *Anabasis salsa*, *Salsola arbusculiformis* ва *Artemisia terrae-albae* лардан иборат бўлган Шимолийтурон провинциясининг ўрта чўл қиёфасини ўзида яққол акс эттиради. Шимолдан жанубга томон кам ўзгарувчанликка эга бўлганлиги боис, Қорақалпоқ Устурти ўсимликлар қопламининг шаклланиши ва тақсимланишида худуднинг гидротермик шароити асосий омил саналмайди. Гидротермик шароитнинг ўсимлик қопламига сезиларли таъсири Қорақалпоқ Устуртининг шимолий ва жанубий чегарларидаги фитоценознинг шаклланишида дашт (*Stipa richteriana*, *Agropyron fragile*) ва ҳақиқий чўл элементларининг (*Caroxylon gemmascens*, *Artemisia kemrudica*) иштирок этишида намоён бўлади. Бундан ташқари, Устурт ўсимликлар қопламининг монотон/комплекслиги фонида шимолдан жанубга томон мозаик тарзда ўзгарадиган ҳамда эдафик омилга нисбатан кенг амплитудага эга бўлган синтаксонлар доминантлигидаги тупроқ-ўсимлик қоплами ўртасидаги ўзаро боғлиқлик яширинган – бу ерда гап тадқиқот худудининг жанубий минтақаларида буюрғунзор формациясининг устунлик номоён этиши ҳақида кетмоқда.

*Salsola arbusculiformis* ва *Artemisia terrae-albae* нинг устунлиги Устуртнинг ясситекислик худудларида шимолий кулранг-кўнғир тупроқлардаги буюрғунзор фонида оч тусли-кўнғир кумоқ ва кумлоқ тупроқларда кўринади. *Anabasis salsa* нинг *Artemisia terrae-albae* ва хар-хил ўтлар билан уйғунлиги Қорақалпоқ Устуртининг фақатгина марказий қисмларидаги кулранг-кўнғир тупроқларли кичик ва ўртапастикларида кўзга ташланади. Жанубий районларнинг кучсиз ривожланган кулранг-кўнғир тупроқларидаги кучли гипслашганлик ва шўрланишнинг ўзаро контрастлиги *Artemisia terrae-albae* нинг фитоценоздаги ўрнини пасайтиради ва у кўпгина ҳолларда кўпроқ галофитлашган ва ксерофитлашган турлар (*Caroxylon gemmascens*, *Artemisia kemrudica*, *Haloxylon aphyllum*) фонида галофит яримбутача бўлган куйровук (*Salsola orientalis*) билан алмашинади. Бу ўринда ўтган асрнинг репер хариталарида кўрсатиб ўтилган Қорақалпоқ Устуртининг марказий ҳамда жанубий қисмларида тарқалган окшувок формациясининг трансформациясини таъкидлаш лозим ва бу ҳолат иқлимнинг қурғоқчиллиниши ҳамда шўрланишнинг ортиши билан эҳтимоллий алоқадор бўлиши мумкин.

Тадқиқот худудининг ўсимликлари қоплами деградациясига олиб келувчи омиллар турличадир. Ушбу омилларни таҳлил этиш асосида Қорақалпоқ Устурти ўсимликлар қоплами деградациясининг хиллари ва табиати таснифланди ҳамда шу асосда «Қорақалпоқ Устурти ўсимликлар қопламининг деградацияси харитаси» ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, экологик самарадорлик мезонларини ҳисобга олган ҳолда мақсадли ва режали экологик тадбирлар асосида Қорақалпоқ Устурти ўсимликлар қопламини сақлаб қолиш юзасидан тизимли муҳофаза чора-тадбирлари тақлиф этилди. Ушбу чора-тадбирлар режаси Қорақалпоғистон

Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг амалий фаолиятига жорий этилди.

## ХУЛОСАЛАР

«Қорақалпоғистон Устюрти ўсимликлар қопламнининг трансформацияси: назарий ва амалий аспекти» мавзусидаги фан доктори (DSc) диссертацияси юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Қорақалпоқ Устюртининг кўп йиллик ҳаво ҳарорати динамикасида уни ўртача йиллик кўрсаткичининг  $K_{yuz} = 49-55\%$  амплитуда ўзгарувчанлигида ортиши ( $t_M = 2.0^{\circ}C$ ,  $r_{min} = 0.1$ ,  $r_{max} = 0.2$ ) кузатилмоқда. 40 йиллик давомида Устюртнинг марказий қисмида атмосфера ёғинлари йиғиндисининг йилига ўртача 0.5 мм ( $r = 0.02$ ) пасайиши ( $K_{yuz} = 13\%$ ) худуд гидротермик шароитининг қурғоқчилик томон ўзгараётганлигидан дарак беради.

2. Шимолий Устюртнинг ўсимликлар қоплами, айниқса, шувокли-бюргунзор комплекси вакиллари ноодатий қурғоқчиликка таъсирчанлиги билан фаркланади. Қорақалпоқ Устюртининг жанубий районларида тарқалган биюргуннинг ғарбий-жанубийтурон (*Artemisia kemrudica*) ва жанубийтурон (*Caroxylon gemmascens*) турлари доминантлигидаги синтаксонлар билан уйғун бирликлари қурғоқчиликка кам таъсирчан жамоалар сифатида қаралади.

3. Орол денгизининг қуриши билан шаклланган қурғоқчилик таъсирида Шарқий чинк ўсимликлар қопламида тоғ флористик элементларининг ўрни кучсизланиб бормоқда. Тўқай, дашт ва ўтлоқ ўсимликлар қоплами вакиллариининг доимий йўқолиб бориши, биринчи навбатда, жамоа тузувчилари сони ва мўллагининг қисқариши билан биохилма-хиллик ( $D_{Mg}$ ), полидоминантлик ( $I-D$ ) индексларининг пасайиши ҳамда доминантлик индексининг ( $D$ ) ошиши билан намоён бўлмоқда. Бунда, айрим мезофит жамоалар ҳолатининг турғун сакланиб туришида муҳит ҳосил қилувчи турларнинг географик ареали муҳим аҳамиятга эга.

4. Шарқий чинк фитоценозлари тузилишининг ривожланиш модели келажакда айни худуд учун мос бўлмаган монотон ўсимликлар қопламнининг шаклланишини кўрсатмоқда. Шарқий чинк мезофит ўсимликлар қопламнининг монотонлик кийфаси оз сондаги тур таркибига эга янги жамоаларнинг пайдо бўлиши, олдинги мустақкам жамоалар қоплаш даражасининг турғун сакланиши ҳамда стратегияси бўйича рақобатбардош турлар, жумладан, янги жойларни эгаллаб олувчи рудерал турларнинг кириб келиши билан ифодаланади.

5. Иқлим қурғоқчиланишининг тобора кучайиши ўсимлик қопламнининг ҳам доминант, ҳам ассектаторлари сифати кескин чўл шароитига тарихий мослашганлигига қарамай Турон пасттекислиги фитоценозлари тузувчиларининг нотурғунлигига олиб келади. Устюрт ўсимлик қоплами эдификаторларининг иқлим ўзгаришига жавоб реакцияси икки йўналишда: яшаш муҳити шароитларига ценотик даражада адаптив хусусиятларни намоён этиш (*Anabasis salsa*, *Salsola arbusculiformis*) ва иқлим реконструкцияси натижасида шаклланган кескин шароитларга морфологик ихтисослашиш

(*Artemisia terrae-albae*) орқали намоён бўлган.

6. *Anabasis salsa* Турон пасттекислигининг тарихий-иқлимий фониға чидамли бўлиб, ареали диверсификациясининг кучайиши ёки фундаментал нишасининг дивергенцияси музлик даврларидаги иқлимнинг курғоқчилланиши билан алоқадор. *Anabasis salsa* нинг фундаментал-тарихий тарқатувчилари тур иқлим ареалининг юқори-толерантли участкалари жойлашган Тўрғай платоси, Қозоқ мелкосопочниги ва Бетпақдала ҳисобланади.

7. Тоғли Ўрта Осиёдаги ксеротермлик *Salsola arbusculiformis* ареалининг ксероген редукциясини таъминлаганлиғига қарамай, Шимолий Турон фитоценозларининг петрофит/гемипетрофит вариантларида фрагмент ҳолатда тур доминантлиғидаги участкалар сақланиб қолган. Мантиқий моделга кўра, *Salsola arbusculiformis* ареали «гуллаб-яшнаш» йўлини танлаш кераклиғига қарамай, тур иқлим ареалининг ривожланиш модели палеоиклим ҳодисаларига боғлиқ тарзда реализациялашган ареалининг анчагина қисқарганлигини тасдиқлайди. Эътиборли томони, турнинг сақланиб қолган ареали унинг тарихий фундаментал нишасининг барча экологик макон хусусиятларини ўзида намоён этади.

8. *Artemisia terrae-albae* ареалининг таъсирчанлик индекси диверсификация илдиэлари юқори учламчи даврда тоғ тизмалари атрофи билан алоқадор бўлган турнинг мезоксерофил қиёфасидан дарак берувчи иқлим гетерогенлиғига яқинлаштиради. Турон пасттекислигининг физик макон кўрсаткичлари ўтган даврларниқидан кескин фарқ қилмаганлиғи боис сўнгги музлик даврларида тур эконишасининг дивергенцияси учун «ўзига хос ривожланиш стратегияси талаб этилмаган».

9. Қорақалпоқ Устюртининг алоҳида районлари ўсимликлар қопламанинг трансформацияси уни ҳаракатлантирувчи кучларга нисбатан ўзига хос жавоб реакцияси билан тавсифланади. Худудда қулайликнинг устунлик қилиши, бир томондан, асосий фитоценоз тузилишини мустаҳкамласа, бошқа жиҳатдан, трансформацияни ҳаракатлантирувчи кучларнинг давомийлиғи фитоценоз ингибирланишининг ҳалокатли индикатори саналади. Плато ўсимлик қопламанинг монотон қиёфаси галофитланиш ва ксерофитланиш фонида қадимий-тарихий шакланган бўлиб, истикболда иқлим курғоқчилигининг кучайиши билан толерантлик табиати асосида плато ўсимликлар қоплами мустаҳкамланади.

10. Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қопламанинг замонавий таснифи 1 климатип, 2 та эдафотип, 3 та ценотип, 5 та формацияга мансуб 43 та ассоциацияларни бирлаштиради. Шимолдан жануб томон кам ўзгарувчанликка эга бўлган гидротермик шароит билан таққосланганда тупроқ-ўсимлик ўртасидаги ўзаро алоқа тадқиқот худуди ўсимликлар қопламанинг шаклланиши ва тақсимланишида асосий омил саналади. Бироқ иқлим курғоқчиллигининг кучайиши билан гидротермик шароит устунлик намоён этиши мумкин.

11. Экологик самарадорлик мезонларини ҳисобга олган ҳолда мақсадли ва режали экологик тадбирлар асосида Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қопламини сақлаб қолиш юзасидан ишлаб чиқилган муҳофаза чора-тадбирлари, бундан ташқари «Қорақалпоқ Устюрти ўсимликлар қопламанинг деградация харитаси» Оролбўйи худуди биологик хилма-хиллигини сақлаб қолишда фойдаланиш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ**  

---

**ИНСТИТУТ БОТАНИКИ**

**АДИЛОВ БЕХЗОД АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ТРАНСФОРМАЦИЯ РАСТИТЕЛЬНОСТИ КАРАКАЛПАКСКОГО  
УСТЮРТА: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРИКЛАДНЫЕ АСПЕКТЫ**

**03.00.03 – Ботаника**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

Тема диссертации доктора наук (DSc) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.DSc/B141.

Диссертация выполнена в Институте ботаники.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице ([www.botany.uz](http://www.botany.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный консультант:**

**Шомуродов Хабибулло Файзуллоевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Хасанов Фуркат Орупбаевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Крестов Павел Витальевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Хамраева Диловар Толибджонова**  
доктор биологических наук, с. н. с.

**Ведущая организация:**

**Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «9» декабря 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 02/30 12.2019.В.39.01 при Институте ботаники АН РУз (адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института ботаники АН РУз. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: [botany@academy.uz](mailto:botany@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники АН РУз (зарегистрировано за №49). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Автореферат диссертации разослан «21» ноября 2022 года.  
(реестр Протокола рассылки №4 от «21» ноября 2022 года).



**К.Ш. Тожибаев**  
Председатель Научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., академик

**Г.М. Дусчанова**  
В.и.о. ученого секретаря Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.б.н., с.н.с.

**Ф.И. Каримов**  
Заместитель Председателя Научного  
семинара при Научном совете по  
присуждению учёных  
степеней, д.б.н., с.н.с.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире происходит интенсивное возрастание масштаба изменения климата и влияния антропогенных факторов на естественные экосистемы, что приводит к дестабилизации компонентов окружающей среды, особенно растительности аридных территорий. Поэтому в разработке эффективных комплексных мероприятий по охране растительного мира важным является сохранение их пространственной, видовой и популяционной целостности. В этом отношении определение механизмов динамики растительности, установление прогнозных моделей изменения их состояний, выявление характера трансформации фитоценозов в условиях аридизации климата приобретают важное научно-практическое значение.

В мировой практике при оценке состояния растительности, прогнозе возможных изменений в экосистемах и в структуре растительного покрова особое внимание уделяется вопросам пространственно-временной самоорганизации фитоценозов, отражающих динамические процессы и изменения структуры природной среды. С этой точки зрения важное значение имеет выявление особенностей структуры и состава растительных сообществ, обусловленных взаимодействием с контрастными природными условиями и тесно связанными с динамикой экологической среды и антропогенными факторами. Плато Устюрт является переходной зоной между южнотуранской и северотуранской ботанико-географических провинций, где господствуют активные ценозообразователи и гамма эдафических вариантов их распространения у последней. В частности, преобладание местами сообществ представителей флор Иранской группы горных провинций в фитоценохоре свидетельствует о сложной исторической пути формирования фитоценозов плато Устюрт, выяснение которого позволит рассуждать о палеоклиматической реконструкции растительности Азиатских пустынь. Главной движущей силой трансформации растительности Устюрта связана с развитием экономического состояния региона за счёт усиления нефтегазовой добычи, а также аридизацией климата, вызванной с катастрофическим усыханием Аральского моря. В этом отношении, выявление закономерности динамических процессов под влиянием природных и антропогенных факторов служат для разработки природоохранных мер по сохранению уязвимых фитоценозов.

В настоящее время в республике особое внимание уделяется сохранению и устойчивому использованию растительных объектов на фоне изменения климата. По проведенным программным мероприятиям в данном направлении достигнуты значительные результаты, в том числе по инвентаризации растительности и оценке пастбищных ресурсов республики, выявлению трансформации растительности аридных территорий под влиянием изменения климата и разработке мер по смягчению его последствий. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет такие жизненно важные задачи, как «... предотвращение

экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды ...»<sup>1</sup>. Для решения данной задачи научно-практическую значимость имеет проведение комплексных и долгосрочных научно-исследовательских работ, направленных на выявление современного состояния растительности плато Устюрт, установление механизмов изменения структуры фитоценозов и разработку рекомендаций по смягчению рисков, вызванных изменением климата и возрастающего антропогенного фактора.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-5863 «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года» от 30 октября 2019 года и Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №299 «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка определения границ административно-территориальных единиц, инвентаризации земельных ресурсов и проведения геоботанических обследований пастбищ и сенокосов» от 23 апреля 2018 года, а также, другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.** Научные исследования, направленные на изучение динамических процессов фитоценозов и особенностей трансформации растительности в связи с изменением климата и антропогенных факторов, осуществляются в ведущих научных центрах и научно-исследовательских учреждениях мира, в частности, Environmental Threat Assessment Center USDA (США), University of Connecticut (США), University of Utah (США), Chinese Academy of Meteorological Science (Китай), National University of Mongolia (Монголия), University of Bergen (Норвегия), Санкт-Петербургском государственном университете (Россия), Университете Чукурова (Турция), Islamic Azad University (Иран), Институте ботаники и фитоинтродукции (Казахстан), Институте ботаники АН РУз (Узбекистан) и др.

В результате исследований, проведенных в мире по выявлению тенденции изменчивости и уязвимости синтаксонов при изменении климата, а также биогеографии растительности отдельных регионов получен ряд научных результатов, в том числе установлены изменчивость структуры растительности в связи с различными метеорологическими и гидрологическими

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

<sup>2</sup> Обзор научных исследований по теме диссертации осуществлен на основе следующих источников: [www.works.doklad.ru](http://www.works.doklad.ru), [www.km.ru](http://www.km.ru), [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), [www.istina.msu.ru](http://www.istina.msu.ru), [researchgate.net](http://researchgate.net), [www.fundamental-research.ru](http://www.fundamental-research.ru), [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com) и др.



режимами аридных территорий (Environmental Threat Assessment Center USDA, США), созданы имитационные модели развития растительности земного шара в разных геохронологических периодах (University of Utah, США), дана оценка развития растительности и ее структуры в условиях аридизации климата (Islamic Azad University, Иран), выявлены пути трансформации растительности аридных территорий с дестабилизацией экосистемы (Институт ботаники и фитоинтродукции, Казахстан).

В мире на сегодняшний день, на фоне дестабилизации различных экосистем проводятся ширококомасштабные исследования по выявлению долгосрочных трендов трансформации растительности, в том числе: оценка современного состояния и прогнозирование изменения структуры растительного покрова уникальных эко-географических регионов; выявление климатогенных последствий на фиторазнообразия и пространственную внутри- и межценотическую структуры фитоценозов; установление генезиса и истории формирования растительных сообществ в переходных природных условиях; создание модели управления растительностью для ее сохранения и др.

